

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 340.113.2 (575.1)*

ХАЙИТОВ ХУШВАҚТ САПАРБАЕВИЧ

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ЮРИДИК ЛИНГВИСТИКАНИНГ

ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи;
сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**Юридик фанлар номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институтининг “Давлат ва ҳуқук назарияси” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

юридик фанлар доктори

Исмаилов Баходир Исломович

Расмий оппонентлар:

юридик фанлар доктори, профессор

Одилқориев Ҳожимурод Тўхтамуродович

юридик фанлар номзоди

Маматов Худоёр Тешаевич

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқук
институти

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги фан доктори (номзоди) илмий даражасини олиш бўйича Д.016.15.03 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2011 йилкуни соат да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

Диссертация билан Тошкент давлат юридик институтининг кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

Автореферат 2011 йил “.....” тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш

илемий котиби,

Зулфиқаров Шерзод

юридик фанлар номзоди, доцент

Хуррамович

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Мустақиллик йилларида жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Натижада Республикализнинг манфаатларини ифода этадиган, жамият ва давлат тараққиётини белгилаб берувчи ҳуқуқий асослар мажмуи шаклланмоқда.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида қонунчиликнинг мақбуллиги, мукаммаллиги, халқчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бир сўз билан айтганда, жамият ва давлат ривожи қабул қилинаётган қонунларнинг сифатига боғлиқ. Шу боис, қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифалардан биридир. Айниқса, қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг пухта ишлаб чиқилган йўналишлари ва тизими мукаммал шакллантирилмаганлиги, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги қонун ижодкорлиги фаолиятида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишнинг муҳим йўналиши сифатида қонун ижодкорлигининг чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган дастур асосида амалга оширилиши лозимлигини алоҳида қайд этадилар¹. Айниқса, қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишда қонунчилик техникасининг сифатини ошириш талаб этилади. Ўз ўрнида мазкур вазифаларни сифатли ва мукаммал амалга ошириш қонуншунослар ва олимлар зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Ҳуқуқий давлатнинг пойдевори қонунларга асосланар экан, бунда қонунчилик сифатини ошириш ҳаётий зарурат сифатида намоён бўлади. Шу боис қонунчилик техникаси ва унинг таркибий қисми бўлган қонун тилининг илмий асосларини такомиллаштириш ҳамда мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш долзарб мавзуга айланмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мукаммал ишлаб чиқилиши, яъни қонунлар бугунги кун ижтимоий муносабатларни лозим даражада қамраб олиши, ҳуқуқий

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришdir. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.13.

муносабатлар иштирокчилари учун содда, аниқ, лўнда ва тушунарли, қатъий изчиликда ифодаланиши жамиятда қонунлар ижросини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганлариdek: “Ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда”¹.

Бу эса ҳуқуқшунослар олдига қонунчилик техникасига оид бир қатор вазифаларни яъни, қонун тилини мукаммал тарзда ифодалаш борасида қатъий андозаларни шакллантириш, қонун лойиҳаларида юридик атамаларни тўғри ишлатиш, қонунларда янги қўлланилган атамалар мазмун-моҳиятини кенг аҳолига тушунтириш, юридик атамаларни бирхиллаштириш, қонунлар мазмунини шарҳлаш, қонун ижодкорлигига қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизmlарни такомиллаштириш кабиларни қўймоқда.

Ушбу мавзунинг долзарблигини яна, қўйидагилар билан ҳам изоҳлаш мумкин:

биринчидан, мамлакатимизда юридик тил ривожланиши аввало, давлат тилининг ривожи билан биргаликда амалга ошади. Шу жиҳатдан олганда давлат тил сиёсатининг механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжудлиги;

иккинчидан, “юридик лингвистика”, “қонун тили”, “юридик-лингвистик экспертиза”, “юридик атама” каби тушунчаларни талқин этиш юзасидан ҳанузгача ягона тўхтамга келинмаганлиги;

учинчидан, қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик талабларга мослигини баҳолаш бўйича юридик лингвистиканинг назарий ва ҳуқуқий асосларини чуқур тадқиқ этилмаганлиги;

тўртинчидан, айрим қонун нормаларида лингвистик ҳамда юридик

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 24.

атамаларни қўллаш билан боғлиқ камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этишда қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг мукаммал механизми шаклланмаганлиги;

бешинчидан, қонун тилида мавжуд юридик-лингвистик камчиликларнинг (услубий (стилистик) мураккабликлар, қарама-қаршиликлар (коллизиялар), номувофиқликлар ва такрорлашлар, мавҳумликлар, юридик атамаларнинг нотӯғри ва ўринсиз қўлланилиши кабилар) ҳуқуқни қўллаш амалиётида қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги;

олтинчидан, юридик-лингвистик экспертиза бўйича илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш, қонун тили билан боғлиқ меъёрларни бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда қонунлар тилини такомиллаштириш зарурати юзага келганлиги.

Демак, мамлакатимиз қонун ижодкорлиги жараёнида юридик-лингвистик экспертиза ўтказиш борасида қонун ижодкорлиги субъектлари фаолиятининг асосий йўналишларини тизимли ўрганиш асосида, юридик фан ва амалиёт нуқтаи назаридан асослантирилган хулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирга қадар юридик лингвistikанинг қонун ижодкорлигидаги ўрни ва аҳамияти давлат ва ҳуқуқ назарияси фани нуқтаи назаридан монографик тарзда тадқиқот иши олиб борилмаган. Лекин юридик тил ва қонун тилининг айрим жиҳатлари бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Шу боисдан, диссертация мавзусига оид изланишларни куйидаги беш грухга ажратиб кўриб чиқиш мумкин:

Биринчи грух. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида тадқиқот ишига оид назарий-услубий қарашлар ўрин олган бўлиб, уларда ҳуқуқий давлат шаклланишида қонунчиликнинг ўрни ҳамда республикамида кечеётган сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда қонунлар сифатини ошириш, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишга оид устувор аҳамиятга эга ғоя ва фикрлар мавжуд¹.

Иккинчи грух. Тадқиқот мавзусига тегишли умумназарий масалалар А.А.Азизхўжаев, С.М.Адилходжаева, Д.Қ.Аҳмедов, Ҳ.Б.Бобоев, Ш.И.Жалилов,

¹Ушбу асарларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати кисмида кўрсатилган.

З.М.Исломов, Б.И.Исмаилов, Г.Р.Маликова, З.Муқимов, Ф.А.Мухитдинова, Ф.Х.Рахимов, Х.Рахманқұлов, А.Ә.Рахманов, М.Х.Рустамбаев, Ш.Н.Рўзиназаров, У.Таджиханов, Ж.Тошқұлов, Ш.З.Уразаев, Ш.Х.Файзиев, О.Т.Хусанов, М.А.Ҳамидова, М.Шарифхўжаевлар томонидан тадқиқ қилинган.

Учинчи гурӯҳ. Тадқиқот мавзусининг айрим масалалариға тааллуқли илмий изланишлар қаторида С.А.Аббосхўжаев, Б.Д.Абдуллаев, Ғ.Абдумажидов, М.А.Ахмедшаева, Ш.Н.Бердияров, Л.М.Бойко, Л.А.Каримова, И.В.Кудряцев, Г.Р.Мирзаева, Ў.Х.Муҳамедов, М.К.Нажимов, Х.Т.Одилқориев, Г.П.Саркисянц, А.Х.Сайдов, Ш.А.Сайдуллаев, И.Т.Тультеев, Э.Ҳ.Халиловларнинг ва тилшунос олимлардан Г.Ё.Ғуломова, М.Х.Қосимова, Ш.Н.Кўчимов, С.Усмонов, Р.Шариповларнинг тадқиқот ишларини келтириш мумкин.

Тўртинчи гурӯҳ. Юридик тил, қонун тили, унинг услуби, юридик атамаларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар МДҲ мамлакатларининг олимлари томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Улар қаторида Н.А.Бондарева, Ю.С.Ващенко, Н.А.Власенко, А.Н.Гермашев Н.Д.Голев, Т.В.Губаева, Д.А.Керимов, Н.Р.Комарова, С.К.Магомедов, Д.И.Милославская, И.Л.Петрова, А.С.Пиголкин, Ю.А.Тихомиров, А.А.Ушаков, Н.И.Хабибулина, Т.Я.Хабриев, А.В.Черекаевларнинг ишлари диққатга лойиқдир.

Бешинчи гурӯҳ. Хорижий мамлакатлар олимларининг юридик адабиётларида қонун тили, “ҳуқуқ ва тил” муносабатларининг хилма-хил қирралариға эътибор қаратилган. Бу борада Т.С.Толенен (Финляндия), Г.Р.де Грут (Голландия), Р.Иеринг, О.Гирке, В.Гедеман, В-В.Доротеев, А.Подлех, А.Шнитцер, Б.Эккарт (Германия), Б.Врублевский (Польша), К.Шенон, Р.Якобсон (АҚШ) сингари мутахассислар¹ изланишларини санаб ўтиш лозим.

Миллий фанимизда мавзу доирасида маҳсус олиб борилган илмий изланишлар қонун ижодкорлиги илмий асослари ривожида муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, мамлакатимизда профессор Х.Т.Одилқориев Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, унинг босқичлари ва қонунчилик техникасининг айрим муаммоларини, Э.Ҳ.Халилов эса қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғи фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этганлар². Шунингдек, М.К.Нажимов, Ш.А.Сайдуллаев ва

¹ Ушбу олимлар асарларининг номлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 208 б; Халилов Э.Ҳ. Становление и развития высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Тошкент, 2000. – 44 с.

И.В.Курдяевлар қонун тилини қонунчилик техникасининг муҳим таркибий қисми сифатида тадқиқ этганлар¹.

Шу билан биргалиқда, Республикаизда бевосита қонунчилик техникаси ва унинг таркибий қисми бўлган қонун тили мавзусига бағишлиланган маҳсус тадқиқотлар ҳам мавжуд. Жумладан, Л.М.Бойко жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шароитида қонунчилик техникасини такомиллаштиришнинг илмий-назарий масалаларини ўргангандан².

Тилшунос Ш.Н.Кўчимов ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммоларини ўрганиб, қонунларнинг тили, ифода усули, ҳуқуқий атамашунослик масалаларини тадқиқ этган³. Бироқ, ушбу тадқиқотларда юридик лингвистика масалалари қонун тилининг умумий хусусиятлари ва тилшунослик фани нуқтаи назаридан ўрганилган. Юқорида қайд этилган тадқиқот ишларида қонунчилик техникасининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтилган бўлса-да, аммо қонун ижодкорлигига юридик-лингвистик меъёрларнинг қўлланилиши ва юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг илмий-назарий масалалари алоҳида тадқиқ этилмаган.

Жумладан, қонунчилик техникасига бағишлиланган сўнгги илмий тадқиқот ишларидан бири Ш.Н.Бердияров томонидан олиб борилган “Икки палатали парламент шароитида қонунчилик техникаси (назария, методология, амалиёт)” мавзусидаги номзодлик иши бўлиб, унда асосан қонунчилик техникаси тушунчаси, Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент шароитида қонунчилик техникасининг умумий масалалари ва ўзига хос хусусиятлари, қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизасида қонунчилик техникаси, қонун тили каби масалалар илмий-назарий тадқиқ этилган⁴.

Ўз ўрнида бир қатор олимларнинг асарларида қонун тили билан боғлиқ муаммолар алоҳида йўналиш сифатида тадқиқ этилиши зарурлиги

¹ Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. Ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. –172 б; Курдяев И.В. Законодательная техника. Учебное пособие. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – 357 с.

² Карап: Бойко М.Л. Законодательная техника в условиях ускорения социально-экономического развития общества. – Ташкент: Фан, 1988. – 146 с.

³ Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари: Фил. фан. докт. ... дис. – Тошкент, 2004. – Б. 7.

⁴ Бердияров Ш.Н. Икки палатали парламент шароитида қонунчилик техникаси (назария, методология, амалиёт): Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2009. – 142 б.

таъкидланади¹. Шу нүқтаи назардан, танланган мавзу илмий-амалий жиҳатдан долзарб бўлиб, унинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини чуқур тадқиқ этилиши илмий-назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Тошкент давлат юридик институти Илмий Кенгашининг 2008 йил 27 декабрдаги 5-сонли мажлиси қарори билан тасдиқланган ва Тошкент давлат юридик институтининг илмий тадқиқотлар режасига киритилган.

Тадқиқот мақсади қонун тилининг мукаммал бўлишини таъминловчи юридик-лингвистик мезонларни аниқлаш, қонун ижодкорлиги босқичларида юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборатdir.

Тадқиқот вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун қўйидаги вазифалар белгиланди:

- юридик лингвистиканинг моҳияти, унинг ривожланиши ва амалий аҳамиятини ёритиш;
- қонун ижодкорлиги ва юридик лингвистиканинг алоқадорлигини ва ўзаро заруратини кўрсатиб бериш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги жараёнида қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини ёритиш, унинг шакллари, турлари ва тамойилларини илмий-назарий таҳлил этиш, юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш юзасидан парламент фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;
- хорижий мамлакатларнинг қонун ижодкорлигига юридик-лингвистик таҳлил ўтказишига оид тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

¹ Қаранг: Одилқориев Х., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2005. – Б. 194; Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 229; Кўчимов Ш. Ўзбек қонунчилик техникаси: муаммолар ва ечимлар // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1998. – № 6. – Б. 8.

— қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш ва шу билан боғлиқ бўлган қонунчилик техникасини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий холосалар ишлаб чиқишдан иборатdir.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Қонун ижодкорлиги жараёнида замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда қонунларни юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар мажмую тадқиқотнинг **объектини** ташкил этади.

Юридик-лингвистик қоида ва талаблар, уларнинг хусусиятлари ва тавсифи, қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг механизми тўғрисидаги илмий-назарий ғоя, фикр ва қарашлар, қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ долзарб ҳуқуқий муаммолар тадқиқотнинг **предметини** ташкил қиласди.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотни амалга оширишда тизимлилик, муаммовий-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий-ҳуқуқий, формал-юридик, аниқ-социологик, мантиқий ёндашув, статистик ва илмий билишнинг бошқа үсулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маъruzalariда баён этилган қонунчиликни такомиллаштиришга оид илмий-назарий қарашлар, ғоя ва фикрлар ҳамда ушбу мавзунинг турли жиҳатлари юзасидан илмий изланишлар олиб бораётган мамлакатимиз ва хорижлик етакчи ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг манбайнини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан олинган амалий материаллар ва анкета сўровномалари ташкил этади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Диссертацияда “юридик лингвистика” тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, юридик лингвистика юриспруденция талаблари ва давлат тили қоидалари асосида ҳуқуқ нормаларининг мазмuni ва хусусиятларини юридик назария ва амалиётида ифодалашда қўлланиладиган, ҳуқуқшунослик ва тилшунослик фанларига оид назарий, илмий қоидалар мажмуудан иборат соҳалараро фан эканлиги таъкидланган.

2. Қонун мазмунини шакллантиришда қатнашувчи бир қатор юридик-лингвистик талаблар аниқланган. Жумладан, қонун ижодкорлигига қонун тили услубининг расмийлиги, холислиги, юқори даражада аниқлиги, айнанлиги,

қонун тилининг ўзига хос атамаларга эга эканлиги, қонун тили давлатнинг амрини ифодалаши (нормативлиги), унинг равон, барча учун тушунарли тилда ифодаланиши каби талабларнинг аҳамияти таҳлил этилган.

3. Юридик-лингвистик экспертиза тушунчаси ва уни амалга ошириш механизми таҳлил этилган. Унга кўра, юридик-лингвистик экспертиза юридик ва лингвистик соҳаларда маҳсус билим ва катта амалий тажрибага эга, ихтисослаштирилган ваколатли орган ёки мутахассисларнинг, натижаси хulosатарзида расмийлаштириладиган ва қонун лойиҳаси матнининг юридик тил қонуниятлари ва ҳозирги замон ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқлигини баҳолашга қаратилган текшируви эканлиги таъкидланган. Ушбу экспертизадан ўтказиш орқали қонун лойиҳаси матнидаги юридик-лингвистик хатолар бартараф этилиши кўрсатиб берилган.

4. Диссертацияда қонун ижодкорлигига қонун тили билан боғлиқ муаммо ва камчиликларни бартараф этишда юридик-лингвистик экспертизадан самарали фойдаланиш лозимлиги таъкидланиб, қонун ижодкорлигининг муайян босқичларида юридик-лингвистик экспертиза ўтказишга ихтисослаштирилган тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш лозимлиги асослаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бош бошқармаси таркибида Юридик лингвистика ва таржима бўлимини ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида Тил хизмати, деб номланувчи бўлим фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

5. Қонунчиликда қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик ва бошқа турдаги экспертизалардан ўтказиш қайси давлат органи томонидан ва уни қай тартибда ўтказилиши, экспертиза хulosалари ва уларнинг юридик мақоми каби масалалар етарлича ўз ифодасини топмаганлиги сабабли, қонун ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ бутун механизмни қамраб олишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳалари экспертизаси тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш лозимлиги ва мазкур қонунда назарда тутилиши лозим бўлган асосий масалалар кўрсатиб берилган.

6. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, қонун лойиҳаси ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан бир қатор экспертизалардан ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Аммо ушбу норма қонун лойиҳасини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш қайси ҳолатларда шарт эканлигини кўрсатмайди. Шу боис, агар янги қонун лойиҳаси қабул қилинса ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида янги атама ва тушунчалар ишлатилса, қонун лойиҳалари юридик-лингвистик экспертизадан ўтказилиши шарт эканлигини қонунчиликда белгилаш лозимлиги асослаб берилган.

7. Юридик тилнинг ривожланиши давлат тилининг ривожига бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланиб, Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги Қонунида белгиланган давлатнинг ўзбек тилининг бойитилиши ва

такомиллаштирилишини таъминлаш вазифасини самарали ижро этиш йўллари асослантирилган.

8. Амалдаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидаги учраб турадиган мантиқий, юридик, лингвистик жиҳатдан мураккаб, тушунарсиз, кўп маънога эга сўз, ибораларга изоҳ ва тушунтириш бериш тартибини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланган. Агар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда шундай ҳолат учраса, ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан унга изоҳ берилиши лозимлиги таъкидланган.

9. Тараққий этган хорижий мамлакатларнинг қонун ижодкорлигидаги юридик-лингвистик меъёrlарнинг қўлланишига оид илғор тажрибаси ва айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўрганилиб, шу асосда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ва бошқалар.

Илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлигидаги юридик лингвистика қоидаларини қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми илк маротаба давлат ва ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан монографик тарзда тадқиқ этилди.

Диссертацияда қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг механизмлари, шакллари ва турлари, тамойиллари илмий-назарий таҳлил этилди. Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш қатъий тамойилларга асосланиши лозим эканлиги таъкидланиб, юридик-лингвистик экспертиза эксперталарнинг мустақиллиги; фаолиятнинг илмийлиги; муаммога ҳар томонлама ёндашув; хulosанинг асослантирилганлиги ва тўлиқлиги; холислик; каби тамойилларга асосланиши лозимлиги таъкидланди.

Қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик таҳлилдан ўтказиш бўйича хорижий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Голландия, Польша, Украина, Россия Федерацияси, Финляндия, Франция, ва х.к.) амалиёти ўрганилиб, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилди.

Диссертациянинг предмети, назарий ғоялари, мазмуни ҳамда унда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар янги бўлиб, шу пайтга қадар алоҳида илмий тадқиқот ишининг предмети бўлмаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида эришилган илмий хulosалар юридик лингвистика тушунчасининг юридик табиатига оид янги илмий тушунча ва таърифлар ишлаб чиқиш имконини беради. Тадқиқот натижасида олинган илмий-назарий хulosалардан “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назарияси

муаммолари”, “Қонунчилик техникаси” ва “Ўзбекистон Республикаси парламент ҳуқуқи” каби ўқув фанларининг илмий-назарий жиҳатдан бойишига ҳамда уларга илмий тушунча ва таърифлар беришга асос бўлади.

Диссертацияда қонунчилик техникаси юзасидан билдирилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришга хизмат қиласида ҳамда келажақда ушбу соҳада бир қатор илмий тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади. Шунингдек, диссертация натижасида билдирилган таклифлар қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этувчи субъектлар фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қиласида ва қонун тили сифатини оширишда услубий ёрдам беради. Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги сифатини янада яхшилаш, қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширувчи давлат органларини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида юридик олий ўқув юртларида юридик лингвистика бўйича бир қатор мавзуларни ўқитишда ҳамда келгусида “Юридик лингвистика” ўқув курсини ўқув жараёнига жорий этишда назарий манба бўлиб хизмат қиласи.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан Тошкент давлат юридик институти бакалавриат ва магистратура талабаларига таълим бериш жараёнида фойдаланилмоқда. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий холоса ва таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида (Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2010 йил 13 сентябрдаги № 06/1-02/1202 в/х рақамли жавоб хати) фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертациянинг асосий мазмуни ва холосалари муаллифнинг Тошкент давлат юридик институтида “Адвокатура институтини ислоҳ этишнинг айрим йўналишлари” (2009 йил, февраль), “Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари” (2009 йил, май), “Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг истиқболлари: кеча ва бугун” (2010 йил апрель), “Давлат тилининг ҳуқуқий мақоми: муаммолар ва ечимлар” (2010 йил октябрь), “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштириш масалалари: муаммо ва ечим” (2011 йил февраль) мавзусида бўлиб ўтган қатор илмий-амалий анжуманларда қилган маърузаларида ва илмий тўплам ва журналларда чоп этилган илмий мақолаларида ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг холосалари Тошкент давлат юридик институти “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедрасининг мажлисида (2010 йил 9 сентябрь), Тошкент давлат юридик институти қошидаги фан доктори (номзоди) илмий даражасини олиш бўйича Д 016.15.03 рақамли Ихтисослашган Кенгаш ҳузуридаги 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи;

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича Илмий семинар мажлисида (2011 йил 3 май) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Илмий семинарида (2010 йил 5 ноябрь) муҳокама этилди ва очик ҳимояга тавсия этилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий хулосалари ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялар муаллиф томонидан 2008-2011 йилларда чоп эттирилган 15 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар тўпламларида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацияда тадқиқ этилган муаммонинг моҳияти ва хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда, кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 164 бетни, диссертация иловалари 42 бетни ташкил этади. Тадқиқот ишида 200 та манбадан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети белгиланган ҳамда тадқиқот ишининг илмий янгилиги, назарий ва методологик асослари, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қонун ижодкорлигига юридик-лингвистиканинг ўрни ва табиати”**, деб номланган бўлиб, у уч параграфдан иборат. Мазкур бобнинг биринчи параграфи “Юридик лингвистика тушунчаси, табиати ва аҳамияти”, деб номланган. Унда юридик тил билан боғлиқ назарий масалалар бир қатор ҳуқуқшунос ва тилшунослар томонидан тадқиқ этилгангани таъкидланиб, хорижий мамлакатларда ва мамлакатимизда юридик тил, қонун тили хусусида олимларнинг билдирган фикрлари таҳлил этилган. Ушбу параграфда “ҳуқуқ ва тил” ўртасидаги муносабат таҳлил этилиб, ҳуқуқ мавжуд бўлишида тилнинг тутган ўрни ва юридик-лингвистик меъёрларнинг қўлланилишининг йўналишлари таҳлил қилинган. Диссертант юридик лингвистиканинг тушунчаси ва ҳуқуқий хусияти хусусида муаллифлик ёндашувларини илгари сурган.

Диссертант мазкур параграфда қонун тилини алоҳида тадқиқ этиш лозим эканлигини асослаб бериш баробарида, хорижлик олимлар Т.С.Толенен,

А.Подлех, Н.Д.Голев, Ю.Г.Арзамасова, И.Л.Петрова¹ ва айрим ўзбекистонлик олимларнинг юридик тил хусусида билдирган фикрларини таҳлил этган. Шунингдек, тадқиқотчи айрим олимларнинг² юридик тилни алоҳида тадқиқ этиш бўйича билдирган фикрларини қўллаб-қувватлади. Диссертантнинг фикрича, юридик тилни нафақат муайян тадқиқотлар доирасида балки, маҳсус фан предмети сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертант М.Мирхамидов, С.Ҳасановларнинг ҳуқуқ ва тил бир-бири билан узвий боғлиқ ижтимоий ҳодиса бўлиб, тил ахборот олиш ва бериш ҳамда сақлашнинг ўзига хос қуроли вазифасини бажарса, ҳуқуқ эса жамиятда инсон хатти-ҳаракати, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, қонунларнинг устуворлигига эришиш, давлат бошқарувининг изчил мукаммал тизимини жорий этишга хизмат қилиши ҳақидаги³ фикрларига қўшилиб, ҳуқуқнинг рӯёбга чиқиши тилсиз мавжуд бўла олмаслигини эътироф этади. Шу сабабдан диссертант “тил ва ҳуқуқ” ўртасидаги муносабатларнинг турли жабҳаларини тадқиқ этиш ҳамда шу билан шуғулланувчи назарий қараш ва ёндашувларнинг алоҳида тадқиқот соҳаси шаклланиши лозимлигини таъкидлади.

Диссертант томонидан юридик тилни тадқиқ этувчи соҳа бир қатор вазифаларни ҳал этишни ўз олдига мақсад этиб қўйиши лозимлигини, яъни:

- ҳуқуқ ва қонун тилининг назарий асосларини шакллантириш;
- қонун тилидаги тил билан боғлиқ зиддиятларни бартараф этиш;
- ҳуқуқий нормалар мазмунини шарҳлаш;
- ҳуқуқий муносабатларда ягона тушунча ва терминлар ишлатилишини таъминлаш;
- ҳуқуқшуносларга ўз фаолиятлари давомида қўллашлари мумкин бўлган ҳуқуқ тилига оид тавсияларни ишлаб чиқиш;
- ҳуқуқ ва қонун тилшунослигига оид назарий билимларни шакллантириш ва бошқа муҳим вазифаларни кўрсатиб ўтган.

¹ Қаранг: Tolonen T.S. Legal Linguistic Knowledge and Creating and Interpreting Law in Multilingual Environments. – Brooklyn J. Int'l L. 2004. – Р. 1169.; Podlech Adalbert. Rechtslingistik // Grimm, Dieter [Hrsg.]. Rechtswissenschaft und Nachbarwissenschaft. Bd. II, München: Beck, 1976. – S. 105-116.; Голев Н.Д. Юридический аспект языка в лингвистическом освещении // Юрислингвистика: проблемы и перспективы: / Межвуз. сб. научных трудов / Под ред. Н.Д. Голева. – Барнаул, Алт. ун-та, 1999. – С.12.; Нормография: теория и методология нормотворчества: учебно-методическое пособие / под ред. д-ра юрид. наук Ю.Г. Арзамасова. – М.: Академический проект, 2007. – 560 с.; Петрова И.Л. Правовой синтаксис: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Владимир, 2006. – 24 с

² Язык закона // Поб. ред А.С. Пиголкина – М.: Юрид. лит., 1990. – 192 с.; Сайдов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б.10.

³ Мирхамидов М., Ҳасанов С. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Тошкент: Университет, 2004. – Б.7.

Ушбу параграфда “юридик лингвистика”, “юридик тил”, ва “қонун тили” тушунчаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил этилиб, уларга муаллифлик нуқтаи назардан тушунча бериб ўтилган. Шунингдек, ушбу параграфда диссертант юридик лингвистиканинг вужудга келиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини хорижий мамлакатлар ва миллий тажриба асосида ёритишга ҳаракат қилган.

Шу билан бирга, мазкур параграфда тадқиқотчи томонидан мамлакатимизда юридик тилнинг ривожланишини үмумий тил ривожланиши миқёсида даврлаштириб ўрганиш лозим эканлиги таъкидланиб, юридик тилнинг ривожланиш босқичлари тарихи даврлаштирилади ҳамда ушбу даврлардаги юридик тилнинг ҳолати таҳлил этилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “Юридик-лингвистик қоида ва талаблар – қонун ижодкорлигининг зарурий шарти сифатида”, деб номланади. Диссертант ушбу параграфда қонун ижодкорлиги тушунчаси, босқичлари ва моҳияти ҳақида тўхталиб, қонун мазмунини ифода этишда тил меъёрлари қўлланилиш заруратининг турли жиҳатларига эътибор қаратади. Шу билан биргалиқда, давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ижтимоий муносабатлар ривожи ва талабларига мувофиқ такомиллашиб бориши лозимлиги таъкидланади. Ушбу жараёнда қонун ижодкорлиги жараёнлари билан ижтимоий ҳаёт талабалари мос келмаслиги сифатсиз қонунчиликнинг шакланишига, бунинг натижасида, жамиятда ҳуқуқнинг обўсизланишига, ҳуқуқий нигилизмнинг ривожланишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланган.

Тадқиқот ишида қабул қилинаётган қонунларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар талаблари билан узвий боғлиқ ҳолда қабул қилиниши қонунчилик техникаси ва қонун ижодкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бевосита боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланган. Ушбу соҳада қонунчилик техникаси бўйича учраётган айрим камчиликлар, яъни, қонунлар тилидаги мураккабликлар, қонун ҳужжатлари тилидаги ўзаро номувофиқликлар ҳамда қонунчиликда юридик атамаларни ишлатиш билан боғлиқ бошқа камчиликларни бартараф этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги таъкидланган.

Ушбу параграфда диссертант қонунлар шаклланишида қўлланиладиган юридик-лингвистик мезонлар ва талабларни атрофлича таҳлил этган ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнида тилдан фойдаланиш қанчалик зарур бўлса,

унинг лингвистик ифода меъёрлариға ҳам риоя қилиш шунчалик зарурлиги таъкидлайди. Айниқса, ҳуқуқий нормаларни сўзда ифода этишга келганда нафақат тилга оид талаблар, балки ҳуқуққа оид талабларга ҳам риоя этиш зарурлиги қайд этилган. Шу нуқтаи назардан ёндашилганда, қонун тили мазмунини ифодалашда қўлланиладиган юридик-лингвистик талаблар қўйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, қонун тили услубининг расмийлиги; иккинчидан, қонун тилининг холислиги (нейтраллиги); учинчидан, қонун тилининг юқори даражада аниқлиги; тўртинчидан, қонун тилининг ўзига хос терминларга эга эканлиги; бешинчидан, қонун тилининг равон, барча учун тушунарли ҳолда ифодаланиши; олтинчидан, қонун тили давлатнинг амрини ифодалаши (нормативлиги) каби хусусиятларга эга. Ушбу талабларга риоя этилмасдан тайёрланган қонун ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қодир бўлмайди.

Ушбу параграфда айрим қонунларда тил қоидалари билан боғлиқ йўл қўйилган айрим качиликлар ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган қонунлар ва уларнинг аҳамияти кўрсатилган. Қонун тилининг ўзига хос хусусиятларига атрофлича тўхталиб ўтилган.

Биринчи бобнинг “Қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик таҳлил этишга оид қонунчилик асосларининг ривожланиши”, деб номланган учинчи параграфида мамлакатимизда истиқлол йилларида қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик таҳлилдан ўтказишга алоҳида эътибор берилаётганлиги таъкидланиб, ушбу соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланиши кўрсатилиб, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юридик кучи, хусусиятлари ва мазмuni бўйича гуруҳларга бўлиб таснифланган. Шунингдек, қонун лойиҳаларини қатъий юридик-лингвистик талаблар асосида шаклланишида муҳим ўрин тутган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадрижий ривожланиши ва қонун мазмунини шакллантиришдаги аҳамияти кўрсатилган.

Тадқиқот ишининг “Қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг ташкилий ва ҳуқуқий механизми”, деб номланган иккинчи бобида қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш заруратидан келиб чиқиб, ушбу экспертизани ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми, турлари, тамойиллари таҳлил этилиб, тегишли хulosаларга келинган.

Иккинчи бобнинг “Қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг шакли, тури ва хусусиятлари”, деб номланган биринчи параграфида ушбу экспертизани ўтказишнинг шакллари ва турлари, хусусиятлари атрофлича таҳлил этилган. Диссертантнинг фикрича, ҳар қандай қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиши билан бир қаторда, у тил маҳсули ҳисобланади. Ўз ўрнида, қонун мазмунини ифода этиш юридик тил орқали амалга оширилади. Шу сабабли, қонунлар сифатини таъминлаш учун қатъий тил меъёрларига асосланиш лозим. Аммо бунга эришиш ҳар доим ҳам осон бўлмайди. Айниқса, қонун лойиҳасида мураккаб юридик тил үслуби ва атамаларини ишлатишда қонуншуносга муайян қийинчилик туғдириши табиий ҳол. Бундай шароитда маҳсус юридик ва лингвистик билимларга эга мутахассиснинг ёрдами зарур. Шу боис қонуншунос заруратга қараб тил билан боғлиқ муаммоларни мукаммал ҳал этиш учун қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизасини ўтказиши лозим. Ушбу экспертизани шунчаки умумий асосларда ўтказиш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Балки уни сифатли, қатъий изчиллиқда, юқори малакали мутахассислар иштирокида ва қатъий ўрнатилган мезонлар асосида ўтказиш лозимлиги таъкидланган.

Диссертант қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишни бир неча асосларга кўра таснифлаш мумкинлиги таъкидлаган ва уларнинг ҳар бирiga тавсиф берган.

Диссертантнинг фикрича, юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишни бир неча асосларга кўра таснифлаш мумкин:

биринчидан, қонун ижодкорлиги босқичларида яъни, қонунчилик ташаббуси босқичи ва қонун лойиҳаси муҳокамаси босқичларида ўтказилишига кўра;

иккинчидан, қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланувчи субъектига кўра;

учинчидан, юридик-лингвистик таҳлил ўтказилаётган қонун лойиҳасининг ҳажмини қамраб олинганилигига кўра.

Тадқиқотчи юридик-лингвистик экспертизани бир қатор талабларга мувофиқ бўлиши лозим эканлигини таъкидлайди. Уларга: *Биринчидан*, қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг мақсади, асосан, қонун лойиҳалари матни адабий тил қоидаларига нечоғлик мувофиқлигини баҳолашга қаратилган бўлиши лозим; *иккинчидан*, қонун

лойиҳаларининг матни шакл ва мазмун жиҳатидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат тили талабларига тўғри келишини таъминлашга қаратилиши лозим; учинчидан, экспертлар ҳам юридик ҳам лингвистик билимларга эга бўлишлари лозим; тўртингидан, эксперталарнинг ўз фаолиятида холислиги ва ҳуқуқий ҳимояланганлиги таъминланган бўлиши лозимлиги кабилар хосдир.

Қонун ижодкорлигига қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг шакллари сифатида умумий ва маҳсус, расмий ва норасмий, коллегиал ва якка, оғзаки ва ёзма юридик-лингвистик экспертизаларни бир-биридан фарқлаш лозим эканлиги таъкидланган.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида (*Юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг обьекти ва субъектлари*) қонун тили ва матнининг асосий қисмлари, уларга қўйилган талаблар ва уларнинг қонун мазмунини ифода этишдаги аҳамияти атрофлича таҳлил этилган. Жумладан, тадқиқотчи томонидан қонун матнининг лингвистик асосини гап, сўз бирикмаси, сўз, абревиатура ва бошқа тилга оид бирликлар ташкил этиши эътироф этилиб, қонун тилини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиша уларга қўйилган талабларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. Шунингдек, тадқиқотчи юридик атамаларни муайян тоифаларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиигини таъкидлайди. Хусусан, юридик атамаларни қонунларда қўлланилиш соҳасига кўра таснифлаш лозим эканлиги таъкидланган. Улар: биринчидан, умумистеъмолдаги атамалар бўлиб, улар кўпчилик фуқаролар томонидан кенг қўлланилади. Иккинчидан, маълум фан, техника, касб-ҳунарнинг бирор соҳасига хос маҳсус атамалар. Учинчидан, ҳуқуқий ҳужжатда маҳсус маъно касб қиласиган атамалар. Тўртингидан, халқаро ҳуқуқий муносабатларда кенг қўлланиладиган атамалар. Бешинчидан, ҳуқуқий атамалар бўлиб, улар ҳуқуқни қўллаш жараёнида мухим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, ушбу параграфда юридик атамалар қонун мазмунини ифодалашда мухим ўрин тутиб, қонунларда ундан фойдаланишда қатъий мезонларга асосланиш лозимлиги таъкидланган. Қонун матнининг ўзига хос қатъий талаб асосида тузилиши қонунларнинг шакл ва мазмун жиҳатидан мукаммал ифодалашда, қонун мазмунини барча учун тушунунарли бўлишини таъминлашда ҳамда қонун матни тузилишида бирхилликни таъминлаш учун мухим асос бўлиб хизмат қилиши асослаб берилган. Қонун матнининг бирхиллик асосида тузилиши қонун мазмунини тушуниш, амалда қўллаш,

қонун мазмунини шарҳлаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва у турли чалкашликларнинг олдини олиши таъкидлаб ўтилган.

Ушбу параграфда қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказувчи субъектлар доираси таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг учинчи параграфида (*Қонун ижодкорлигида юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг тамоиллари ва механизми*) қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-хуқуқий механизми ёритилган. Жумладан, қонун ижодкорлигининг қонунчилик ташаббуси босқичида бевосита қонун лойиҳасини тақдим этаётган орган томонидан лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказилиши ва қонун лойиҳаларини парламентда депутатлари мұхокамаси босқичида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари ёки палаталарнинг масъул қўмиталари ташаббусига кўра юридик-лингвистик экспертизадан ўтказилиши ҳамда унда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар таҳлил этилган.

Шунингдек, қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг муайян тамоилларга асосланиши лозим эканлиги таъкидланиб, экспертларнинг мустақиллиги; фаолиятнинг илмийлиги; муаммога комплекс ёндашув; хulosанинг асослантирилганлиги; холислик; хulosанинг тўлиқлиги каби тамоиллар муҳим ўрин тутиши таъкидланган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлигида юридик-лингвистик экспертиза ўтказишни такомиллаштириш масалалари”, деб номланган учинчи бобида хорижий тажриба ўрганилиб, шу асосда Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги жараёнида қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари илмий-назарий таҳлил этилган ҳамда тегишли хulosаларга келинган.

Мазкур бобнинг биринчи “Хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлигида юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг қиёсий-хуқуқий таснифи”, деб номланади. Ушбу параграфда хорижий мамлакатлар қонун ижодкорлигига қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ тажрибаси ўрганилиб, ушбу тажриба мамлакатимизда шаклланган тажриба билан қиёсий таҳлил этилган. Жумладан, АҚШ, Англия, Германия, Щвеция, Финляндия, Россия, Украина каби

давлатлар қонун ижодкорлигига қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик таҳлилдан ўтказишга оид ўзига хос тажрибаси ўрганилиб, шу асосда бир қатор тавсия ва хулосалар илгари сурилди. Жумладан, Германия, Россия, Украина каби давлатлар қонун ижодкорлигига қонун лойиҳалари юридик-лингвистик экспертизадан ўтказувчи маҳсус тузилмалар фаолият кўрсатиши таъкидланган. Шу боис ҳам юқоридаги тажрибани Ўзбекистонда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқлиги тадқиқотчи томонидан таъкидлаб ўтилган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “Қонун ижодкорлигига юридик-лингвистик экспертизани амалиётга татбиқ этиш истиқболлари”, деб номланади. Ушбу параграф қонун ижодкорлиги жараёнида юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг устувор қоидаларини таҳлил қилишга бағишиланган. Шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш борасида давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан билдирилган фикрлари, давлатлараро тил билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, Конституция ва қонунлардаги қонунлар тилини ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий нормалари назарий таҳлил этилди. Юртимизнинг бир қатор олимларнинг ушбу соҳада билдирган фикрлари нафақат назарий балки қонун ижодкорлиги амалиётида ҳам мухим назарий асос вазифасини бажариши мумкинлиги таъкидланган. Қонун ижодкорлигига юридик-лингвистик экспертизани амалиётда қўллаш жараёнидаги олимларнинг ёндашувларинг ўзаро фақлари кўрсатилиб, келгусида уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Учинчи бобнинг учинчи параграфи “Қонун ижодкорлигига юридик-лингвистик экспертиза ўтказишни такомиллаштириш масалалари”, деб номланади. Ушбу параграфда қонун ижодкорлигига юридик-лингвистик экспертиза ўтказишни такомиллаштиришга оид бир қатор вазифалари кўратиб берилган.

Тадқиқотчининг фикрича, қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишни такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларни қўйидаги йўналишларда амалга ошириш лозим эканлигини таъкидланган:

Биринчидан, юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш;

Иккинчидан, юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

Учинчидан, юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш;

Тўртминчидан, юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг методологик асосларини такомиллаштириш;

Бешинчидан, юридик лингвистика бўйича ўқув ва ўқув-услубий ишларнинг сифатини яхшилаш.

Ушбу параграфда уларнинг ҳар бири бўйича амалга ошириш лозим бўлган ишлар таҳлил этилган.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиши, қонун ижодкорлигининг мукаммал муханизмларини шакллантириш муҳим амалий аҳамиятга эга. Зоро, жамиятни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янгилашнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири - бу мавжуд ҳуқуқ тизимини ижтимоий воқеликда кечаётган муносабатларга ҳамоҳанг бўлишини таъминлаш ҳисобланади. Бинобарин, мукаммал қонунчиликни шакллантириш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим асосидир.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш йўлини аниқ белгилаб олди ҳамда ҳуқуқий давлатнинг асоси бўлган мустаҳкам ҳуқуқий тизимни шакллантирмоқда. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маъruzасида бугунги кунда тараққиётимизнинг муҳим устувор йўналиши мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш эканлигини яна бир бор таъкидладилар¹. Ушбу мақсадга эришишда замонавий талабларга мос келувчи қонунчиликни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қонун ижодкорлигининг ажралмас таркибий қисми бўлган юридик тил билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Куч-адолатда. 2010. – 28 январь

этиш, юридик лингвистиканинг қонун ижодкорлигидаги ўрнини “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фани нұқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижаларига кўра, қўйидаги холосаларга келинди ва ушбу соҳадаги фаолиятни тартибга солишга қаратилган тегишли қонунчиликни ҳамда механизмларни такомиллаштириш юзасидан бир қатор назарий, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий холосалар

1. Юридик-лингвистик қоидалар қонун мазмунини ифодалашда бевосита иштирок этиб, қонун мазмунини барчага тушунарли тилда, турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда юридик атамашуносликка риоя қилинган ҳолда баён қилинишини таъминлайди.

2. Қонун ва унинг тилига оид қарашлар мамлакатимизда қадимдан шаклланганлигини инобатга олиб, юридик тил тараққиётини қўйидагича даврлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1) Қадимги давр юридик тили (Қадимги туркий тил. “Авесто” ва турли диний мифологик қарашларнинг ривожланиши, турк қонунномалари мисолида);

2) Ўрта асрлар юридик тили (эски туркий тил XI-XIV асрлар, эски ўзбек адабий тили XV-XIX ривожланиши. Ислом ҳуқуқининг манбалари ва “Қутадғу билиг”, “Девону луғотит-турк” каби асарлари мисолида);

3) Чоризм даври юридик тили (ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши. Чор Россияси ҳуқуқининг фаол таъсири бошланиши даври. Чоризм даври норматив ҳужжатлари мисолида);

4) Шўролар ҳукмронлиги давридаги юридик тил (ҳозирги ўзбек тилининг ривожланиши. Ушбу даврда шакллантирилган ҳуқуқ тизими мисолида);

5) Истиқлол йиллари юридик тили (ўзбек адабий тилининг софлиги таъминланиши ва мустақил Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимининг шаклланиш даври. Мустақиллик йиллардаги қонунчилик мисолида).

3. Қонун тили мазмунига қўйилган талаблар қонун тилининг содда, аниқ ва лўндалиги фуқароларнинг қонун мазмунини осон эсда қолиши, қонунларни тушуниши ва амалда қўллашини яхшилайди. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари ифодаланишида ҳаддан ташқари умумий, мавҳум таърифлашга, чалкаш кўрсатмаларга йўл қўймаслик, мантиқий жиҳатдан қатъий ва изчил баён этиш, ҳуқуқий ҳужжатнинг норматив кўрсатмалари ўртасида узвий алоқа таъминланиши; норматив ҳужжатда зиддиятларга йўл қўймаслик, қонун матнининг ягона шакл асосида ифода этилиши каби талаблар, қонунлар мукаммаллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги жараёнида юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг механизми сифатида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар, шунингдек, ушбу вазифани бажаришга ихтисослаштирилган

ташкилотларнинг қонун лойиҳаларини юриспруденция ва замонавий ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқлигини текширишга қаратилган фаолияти ва ташкилий-хуқуқий механизмларини тушуниш лозим. Қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишни қўйидаги бир қатор асосларга кўра таснифлаш мумкин:

биринчидан, қонун ижодкорлиги босқичларида яъни, қонунчилик ташаббуси босқичи ва қонун лойиҳаси муҳокамаси босқичларида ўтказилишига кўра;

иккинчидан, қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар доирасига кўра;

учинчидан, юридик-лингвистик экспертизадан ўтказилаётган қонун лойиҳасининг ҳажмини қамраб олинганилигига кўра юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш.

5. Қонун ижодкорлиги жараёнида юридик-лингвистик экспертиза ўтказиш қўйидаги тамойилларга асосланиши лозим: эксперталарнинг мустақиллиги, эксперталарнинг юқори малакалилиги, фаолиятнинг илмийлиги, муаммога мажмуавий ёндашув, хulosанинг асослантирилганлиги ва тўлиқлиги, холислик. Ушбу тамойиллар қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг холислиги ва ҳар томонлама мукаммал бўлишини таъминлайди ҳамда ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларнинг изчил, тартибли ривожланишида ғоявий, хуқуқий асос вазифасини бажаради.

6. Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги сифатини янада яхшилаш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширувчи давлат органларини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида олий юридик ўқув юртларида “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Қонунчилик техникаси” фанлари таркибида юридик лингвистика бўйича бир қатор мавзулар киритишни ҳамда магистратура таълими босқичида “Юридик лингвистика” ўқув курси ўқитилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

II. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини ва қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш механизмларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар

1. Мамлакатимизда айрим қонун ҳужжатларида қонун тили билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этишда юридик-лингвистик экспертизадан самарали фойдаланиш лозим. Шу боисдан қонун ижодкорлигининг муайян босқичларида қонун лойиҳаларини маҳсус юридик-лингвистик экспертизадан ўтказувчи тузилмалар фаолият

кўрсатиши лозим. Ушбу тузилмаларнинг асосий вазифаси этиб қуидагилар белгиланиши мақсадга мувофиқ:

1. қонун лойиҳаларининг турли тиллардаги таржима матнларини тайёрлаш;
2. қонун лойиҳаси тайёрланиши жараёнида давлат тили қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;
3. қонун лойиҳалари тайёрланишида норматив-ҳуқуқий атамалардан фойдаланиш изчиллиги сақланишини;
4. қонун лойиҳасининг матнида фойдаланилган норматив-ҳуқуқий атамаларнинг маъно жиҳатидан бир хил бўлишини;
5. тегишли маънони англатувчи сўзлар барча ҳужжатларда бир хил шаклда ишлатилишини;
6. қонун лойиҳасининг матни қисқа, оддий ва равон тилда баён этилишини;
7. турли тиллар қоидаларидан келиб чиқадиган номутаносибликлар нормага зиён етказилмаган ҳолда таҳрир қилинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида тузиладиган тил бўйича тузилмага қўшимча вазифа сифатида янги таркибда шаклланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлариға қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича семинарлар ташкил этишни, қонун лойиҳаларини адабий тил қоидаларга мувофиқ тайёрлаш бўйича илмий адабиётлар нашр этишни юклаш ҳам мақсадга мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, қонун лойиҳаси ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан бир қатор экспертизалардан ўтказилиши белгиланган. Аммо ушбу норма қонун лойиҳасини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказиш зарурати қайси ҳолатларда шарт эканлигини кўрсатмайди. Фикримизча, ушбу қонунда агар янги қонун лойиҳаси қабул қилинса ёки қонун лойиҳасида янги атама ва тушунчалар ишлатилса, қонун лойиҳалари юридик-лингвистик экспертизадан ўтказилиши шарт эканлигини тўғрисидаги қоидани белгилаш лозим. Ушбу талаб янги қўлланилаётган атама ва тушунчаларни амалдаги қонунчилиқдаги атама ва тушунчаларга мослаштириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган атама ва тушунчаларни энг мақбул қўринишда қонунчиликка жорий этишга ёрдам беради.

3. Амалдаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидаги учраб туродиган мантиқий, юридик, лингвистик жиҳатдан мураккаб, тушунарсиз, кўп маънога эга сўз ва ибораларга изоҳ ва тушунтириш бериш тартибини такомиллаштириш лозим. Шу боис Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига изоҳ бериш”, деб номланган 19¹ моддани киритиб, уни қуидаги таҳрирда ифода этиш лозим:

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мантиқий, юридик, лингвистик жиҳатдан мураккаб, кўп маънога эга сўз ва иборалар ишлатилган ҳолларда уларга изоҳ ва тушунтиришлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган томонидан берилади.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг турли тилларда ёзилган таржима матнлари ўртасида фарқ аниқланса, ўзбек тилида ёзилган матни амал қиласди”.

4. Мамлакатимизда атамашуносликка оид ишларни тартибга солишни мувофиқлаштириш ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги Қонунни жорий этиш комиссияси зиммасига юкланган. Аммо ушбу комиссиянинг вазифалари бирор ҳужжатда аниқ акс этмаган. Шу билан биргаликда ушбу Қонунда белгиланган давлат органларининг ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишига оид вазифалари ҳам аниқ кўрсатилмаган. Шу сабабли ушбу вазифанинг ижрочиси ва унинг вазифаларини қонунда акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги Қонунга 7¹-моддаси киритилиб, унда давлат органининг ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишига оид вазифалари ва унинг ижрочи органи кўрсатилиши лозим. Шунингдек, қонунда ушбу давлат органининг вазифалари этиб қўйидагилар белгиланиши лозим:

Ўзбекистон Республикасида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг бажарилишининг назорат-таҳлилини амалга оширади ва давлат тилини ривожлантириш бўйича Ҳукуматга тегишли таклифлар киритади;

давлат тилининг ҳар томонлама ривожланишини ва давлат тилининг жамиятда нуфузи ошишини таъминлайди;

давлат тилининг атамалар заҳирасини бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди;

давлат тилига жорий этилаётган атамаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тегишли қўмитасининг розилигини олгандан сўнг давлат тилига жорий этилишини таъминлайди.

5. Қонун ижодкорлиги босиқичларида қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспетриздан ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, қонун лойиҳалари юридик-лингвистик экспертизаси деганда, қонун лойиҳаси матнининг юридик тил қонуниятлари ва ҳозирги замон ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқлигини баҳолашга қаратилган маҳсус текширувни назарда тутиш лозим. Унда эксперталар олдига ечилиши лозим

бўлган саволлар қатъий қўйилиши лозим. Экспертиза натижасида белгиланган шаклда расмийлаштириладиган хулоса тақдим этилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига 119¹ модда қўшимча киритиб, унда экспертнинг олдига ҳал этилиши лозим бўлган саволлар доираси белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

6. Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш қонунлар мукаммалигини таъминлашда мұхим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ҳолат қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни мұхим ва барқарор ижтимоий муносабатлар сифатида баҳолаш мүмкінлигини англатади. Амалдаги қонунчиликда юридик-лингвистик ва бошқа турдаги экспертизалар қайси давлат органи томонидан ва уни қай тартибда ўтказилишилиги, экспертиза хуросалари ва уларнинг юридик мақоми каби масалалар етарлича ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, қонун лойиҳалари экспертизасини ўтказувчи давлат субъектларидан ташқари, жамоатчилик ва илмий ташкилотларнинг экспертизани ўтказиш билан боғлиқ фаолиятига оид масалалар қонунчилик доирасидан четда қолган. Шу жиҳатдан олганда, қонун ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ бутун механизмни қамраб олишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳалари экспертизаси тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш лозим. Ушбу қонунда қонун лойиҳалари экспертизаси тушунчаси; экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатлари; қонун лойиҳалари экспертизаси мақсадлари; қонун лойиҳалари экспертизаси турлари; қонун лойиҳалари экспертизасининг асосий принциплари; экспертиза обьектлари; экспертиза ўтказувчи субъектлар ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; қонун лойиҳалари экспертизасини молиялаштириш масалалари кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мазкур қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик-лингвистик, ҳуқуқий, криминологик, антикоррупцион, халқаро-ҳуқуқий ва бошқа турдаги экспертизаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ифодасини топиши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида”ги Қарорига кўра, мамлакатимизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этилиши

режалаштирилган¹. Ушбу муносабат билан амалдаги қонунчиликни лотин алифбосида қайта нашр этиш эҳтиёжи юзага келмоқда. Фикримизча, ушбу вазифани тез ва сифатли амалга ошириш маҳсус битта орган зиммасига, масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юкланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Хайитов Х.С. Адвокат фаолиятида юридик лингвистиканинг аҳамияти // Адвокатура институтини ислоҳ этишнинг айрим йўналишлари: давра суҳбати материаллари тўплами. – Тошкент, ТДЮИ, 2009. – Б. 23-27.
2. Хайитов Х.С. Қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик таҳлил этишнинг айрим назарий жиҳатлари // Ҳуқуқдаги бушиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари / Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, ТДЮИ, 2009. – Б. 263-267.
3. Хайитов Х.С. Истиқлол йилларида Ўзбекистон қонун чиқарувчи ҳокимиютининг шаклланиши Ўзбекистон мустақиллиги тараққиётининг ўзига хос йўли (илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент, ТДЮИ, – Б. 70-76.
4. Хайитов Х.С., Хожаев Д.М. Ўзбекистон Республикаси сайлов жараёни ва сайловга оид терминологияси. Рисола. – Тошкент, ТДЮИ, 2009. – 64 б.
5. Хайитов Х.С. Қонун ижодкорлигига юридик-лингвистик меъёрларнинг қўлланилиши қонун ижодкорлигининг зарурӣ шарти сифатида // ТДЮИ ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – № 2. – Б. 6-8.
6. Хайитов Х.С. Қонун тилининг назарий-ҳуқуқий масалалари // Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг истиқболлари: кеча ва бугун. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, ТДЮИ, 2010. – Б. 272-279.
7. Хайитов Х.С. Юридик лингвистика тушунчаси ва унинг юридик табиати // Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами 2010. – № 3. – Тошкент, ТДЮИ, 2010. – Б. 11-18.
8. Хайитов Х.С. Қонун тили ва матнига қўйилган талаблар – қонунлар мукаммаллиги омили // ТДЮИ ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – № 3. –Б. 6-7.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. – № 25. 287-модда.

9. Хайитов Х.С. Юридик-лингвистик таҳлил – қонун ижодкорлигининг мұхим омили // “Хуқуқ ва бурч”. – Тошкент, 2010, – № 7. – Б. 56-57.
10. Хайитов Х.С. Қонун лойиҳаларининг юридик-лингвистик таҳлили (хорижий мамлакатлар ва миллий тажриба мисолида) // ТДЮИ ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – № 5 – Б. 20-22.
11. Хайитов Х.С. Давлат тилининг конституциявий мақоми // ТДЮИ ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – № 6 – Б. 86-88.
12. Хайитов Х.С. Юридик-лингвистик экспертиза: мақсади ва моҳияти // ADVOKAT. – Тошкент, 2010. – Б. 17-19.
13. Хайитов Х.С. Юридик лингвистика – алоҳида тадқиқот обьекти сифатида // “Давлат тилининг ҳуқуқий мақоми: мұаммолар ва ечимлар” / Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, ТДЮИ, 2010. – Б. 57-62.
14. Хайитов Х.С. Қонун лойиҳалари тилини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари // “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштириш масалалари: мұаммо ва ечим” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари түплами. – Тошкент, ТДЮИ, 2011. - Б. 228-235.
15. Хайитов Х.С. Тадбиркорликка оид ҳуқуқий атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. Рисола. – Тошкент, ТДЮИ, 2011. – 78 б.
16. Хайитов Х.С. Ўзбекистонда юридик тил ривожланиши босқичлари // Фан ва ёшлар. – Тошкент, 2011. – № 1 –Б. 18-21.
17. Хайитов Х.С. Тадбиркорликка оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // ТДЮИ ахборотномаси. – Тошкент, 2011. – № 2 – Б. 74-75.

Юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Хайитов Хушвақт Сапарбаевичнинг 12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ихтисослиги бўйича “Қонун ижодкорлигига юридик лингвистиканинг ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: юридик лингвистика, экспертиза, қонун ижодкорлиги, қонунчилик техникаси, қонун тили, юридик атамашунослик, юридик-лингвистик меъёрлар, юридик-лингвистик камчиликлар, юридик-лингвистик экспертиза, юридик-лингвистик экспертиза ўtkазиш механизми.

Тадқиқот обьектлари: 1) юридик лингвистика тушунчаси, унинг юридик табиати, қонун мазмунини шакллантиришдаги қонун тилига оид муносабатлар; 2) қонун лойиҳаларининг юридик-лингвистик таҳлил этиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ва ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари.

Ишнинг мақсади: қонун тилининг мукаммал бўлишини таъминловчи юридик-лингвистик мезонларни аниқлаш, қонун ижодкорлиги босқичларида юридик-лингвистик экспертиза ўтказишнинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот методлари: диалектик, тизимлилик, муаммовий-мақсадли, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий-ҳуқуқий, формал-юридик, аниқ-социологик, мантикий ёндашув, статистик усуслар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мавзуга оид манбаларни илмий ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қонун ижодкорлиги жараёнида юридик-лингвистика қоидаларини қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми илк маротаба давлат ва ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан монографик тарзда тадқиқ этилди ва бу борада тегишли илмий хulosалар ишлаб чиқилган ҳамда таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижасида эришилган илмий хulosалар қонун лойиҳаларини юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишга оид янги илмий тушунча ва таърифлар ишлаб чиқиш имконини беради. Ишдаги хulosалардан “Давлат тили ҳақида”ги, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

түғрисида”ги Конунларини такомиллаштиришда, “Конун лойиҳалари экспертизаси түғрисида”ги конунни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Қонунчиллик техникаси”, каби фанларни бакалавриат ва магистратура талабалариға ўқитиш жараёнида ҳамда қонун тили муаммосини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, қонунчиликнинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилишга оид илмий тадқиқотлар; олий юридик ўқув юртларидаги ўқув жараёни.

РЕЗЮМЕ

диссертации Хайитова Хушвакта Сапарбаевича на тему «Роль и значение юридической лингвистики в законотворчестве» на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.01 – Теория и история государства и права; история политических и правовых учений.

Ключевые слова: юридическая лингвистика, экспертиза, законотворчество, законодательная техника, язык закона, юридическая терминология, юридико-лингвистический критерий, юридико-лингвистические недостатки, юридико-лингвистическая экспертиза, механизм проведения юридико-лингвистической экспертизы.

Объекты исследования: 1) понятие юридической лингвистики, её юридическая природа, отношения в языке закона, связанные с формированием содержания закона; 2) правоотношения, связанные с юридико-лингвистическим анализом законопроектов и законодательные акты, упорядочивающие эти отношения.

Цель работы: определение юридико-лингвистических критериев, обеспечивающих усовершенствование языка закона, разработка обоснованных предложений и рекомендации по совершенствованию научно-теоретических и организационно-правовых основ проведения юридико-лингвистической экспертизы на этапах законотворчества.

Метод исследования: диалектический, системный, проблемно-целевой, сравнительно-правовой, историко-правовой, формально-юридический, конкретно-социологический, логический, статистический.

Полученные результаты и их новизна: на основе научного исследования и анализа литературы по данной теме впервые на монографическом уровне исследованы организационно-правовые механизмы применения юридико-лингвистического критерия в законотворчестве и сделаны соответствующие научные выводы, а также разработаны предложения и рекомендации в этой сфере.

Практическая значимость: результаты научного исследования дают возможность выработать новые научные понятия и определения относительно юридико-лингвистического анализа законопроектов. Результаты работы могут

быть использованы при совершенствовании законов «О государственном языке», «О нормативно-правовых актах», при подготовке закона «Об экспертизе законопроектов».

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования используются в процессе преподавания студентам бакалавриата и магистратуры следующих дисциплин: «Теория государства и права», «Законодательная техника» а также в научно-исследовательских работах, посвященных изучению вопросов проблемы языка закона.

Область применения: правотворческий процесс, научные исследования, посвященные анализу перспектив развития законодательства; учебный процесс в высших юридических учебных заведениях.

RESUME

Thesis of Hayitov Xushvaqt Saparbayevich on the scientific degree competition of doctor of philosophy in law on specialty 12.00.01 – Theory and history of state and law; history of political and legal doctrines, subject: "The role and importance of legal linguistics in lawmaking"

Keywords: legal linguistics, expertise, lawmaking, legislative techniques, language of law, legal terminology, legal linguistic criterion, legal linguistic lacks, legal linguistic expertise, mechanism of carrying out of legal linguistic expertise.

Objects of research: 1) the concept of legal linguistics, and its legal nature, the relations connected with the formation of maintenance of the law, concerning legal language; 2) legal relations connected with the legal linguistic analysis of law drafts and legislation documents regulating these relations.

Purpose of work: includes defining legal linguistic criterion, which provides improvement of language of law, working out offers and recommendations on the questions of scientific and theoretical, organizational and legal mechanism of carrying out of legal linguistic expertise in law making stages.

The methods of research: dialectical, systematical, problematic and purposed, comparative and legal, historical and legal, formal and legal, concrete and sociological methods, logical, statistical methods were used.

The results obtained and their novelty: On the basis of scientific research and analysis of literatures, on the given theme organizational and legal mechanisms of carrying out legal and linguistic criterions in lawmaking were investigated at monographic level for the first time and the corresponding scientific conclusions, offers and recommendations were elaborated.

The practical value: scientific results give chance to develop new scientific approaches of concept and definition, concerning the legal linguistic analysis of law drafts. The research results can be used in the perfection of laws "On state language", "On normative and legal acts" and preparation of law "On expertise of law drafts".

Degree of embed and economical effectivity: research results can be used in teaching courses "Theory of state and law", "Legislative technique" at bachelor and

master degree and also in research works devoted to study the problems of language of law.

Field of application: lawmaking process; the scientific researches devoted to the analysis of prospects of development of the legislation; educational process at the higher legal educational institutions.

Босишга рухсат этилди:

Ҳажми: 1.63 б.т. Адади: 120. Буюртма: № 755.

ТДЮИ кичик босманхонасида босилди.

Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ 35.